O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 25 ноябрь ШАНБА

№ 95 (11.898)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 22 ноябрь куни навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия Раиси Мирзаулуғбек Абдусаломов бошқарди. Мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига асосан айрим сенатор ва Қонунчилик палатаси депутатларининг ваколатлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Комиссия Фарғона вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг 2006 йил 17 ноябрь куни бўшаб қолган ўринга бўлиб ўтган Сенат аъзоси сайлови бўйича қўшма мажлиси баённомасини кўриб чиқиб, Фарғона вилояти ҳокими Абдуҳошим Абдуллаевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутатлик ваколати тугатилганлиги муносабати билан Сайдулла Бегалиевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига аъзолик ваколати муддатидан илгари тугатилди. Бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари Ҳаётхон Каримов ва Акром Алимовнинг ваколатлари ўз аризаларига биноан муддатидан илгари тугатилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 47-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига асосан Бухоро вилоятидаги 25-Ибн Сино, Тошкент вилоятидаги 75-Зангиота, Фарғона вилоятидаги 86-Қўқон сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини 2006 йил 24 декабрь, якшанба кунига тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, Комиссия мажлисда кўриб чиқилган бошқа масалалар бўйича ҳам тегишли қарорлар қабул қилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИ

Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловини тайинлаш тўғрисида

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 47-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Бухоро вилоятидаги 25-Ибн Сино, Тошкент вилоятидаги 75-Зангиота, Фарғона вилоятидаги 86-Қўқон сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловини 2006 йилнинг 24 декабрь, якшанба кунига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М. АБДУСАЛОМОВ.

Тошкент шаҳри, 2006 йил 22 ноябрь.

Ерни кузда ҳайдаш зарурлиги янги гап эмас. Шунингдек, кузги шудгорнинг хосияти ҳақидаги гап ҳам ҳеч қачон эскирмайди, худди бугуннинг гапидек, долзарблигича қолаверади. Негаки, ноябрдан кечиктирмай, сифатли шудгорланган ер уч ой, яъни бутун қиш бўйи дам олиб, ёғинлар воситасида ҳаводан олинадиган табиий озуқаларга тўйинади, эрта баҳор «тани» яйраб, обдон кўпчийди.

ЭНДИ ЕР ТИНИҚИБ ДАМ ОЛАДИ

СУРАТЛАРДА: тажрибали тракторчи Шуҳрат Нарзиев; бош ҳосилот Алишер Умиров тракторчи Мусақул Бобобеков билан шудгор сифатини текширмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Бироқ, ўз техника базасини ярата олган ширкат ва фермер хўжаликларигина бундай имкониятларга эга бўлиши мумкин.

— Бизда шундай имконият бор, — дейди Бўка туманидаги «Ачамайли» ширкат хўжалиги бош ҳосилоти Алишер Умиров. — Ўзимизда мавжуд техника воситаларини яхши сақлаб, унумли ишлатаётганимиз боис, агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилади. Хўжалигимизнинг ҳар йили шартнома режаларини ортиғи билан бажариб, иқтисодий салоҳиятини барқарор сақлаб келаётганининг боиси шунда.

Бош ҳосилотнинг фикрини тасдиқлайдиган далиллардан бири шуки, ҳақиқатан ҳам «Ачамайли» тумандаги иқтисодий бақувват хўжаликлардан. Ҳар бир соҳа мутахассиси-ю, оддий деҳқоннинг меҳнати қадрланиб, моддий рағбатлантириб борилади.

Иккинчидан, хўжаликда техника воситалари масаласида муаммолар деярли йўқ. Масалан, бу йил кузги шудгор мавсумида иккита ВТ-150 ва битта К-700 ҳайдов трактори сафарбар этилди. Улардан самарали фойдаланилганлиги туфайли кунига ўртача 30 гектар майдонни шудгорлашга эришилди. Ҳозиргача режадаги 580 гектар экин майдонининг сўнгги гектарлари шудгор қилинмоқда.

— Бизнинг ҳар куни унумли ишлашимиз учун қулай шарт-шароит яратиб бериш мақсадида қўшимча рағбатлантириш чоралари кўрилди, – дейди хўжаликнинг тажрибали тракторчиларидан бири Шуҳрат Нарзиев. — Жумладан, ҳар бир тракторчига кузги шудгор олдидан 50 минг сўмдан бўнак пули ва бир қопдан ун беришди. Бундан ташқари, иш айни қизиган кунларда уч маҳал иссиқ овқат билан таъминлашди.

Самад ЙЎЛДОШ.

МАҲАЛЛА ГУЗАРИ ОЧИЛДИ

Қибрай туманидаги Ўнқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Янгийўл маҳалласида янги гузар очилди.

Энди қишлоқ аҳолиси кундалик рўзғорга керакли бўлган маҳсулотлар учун узоққа бориб юришмайди. Қатор жойлашган биноларда маҳалла идораси, оталар чойхонаси, гўшт ва бошқа маҳсулотлар дўконлари жойлашган. Гузар асосан маҳалла оқсоқоли Эркин Исаев бошчилигида аҳоли ёрдамида ҳашар йўли билан қурилди. «Турон-Замин» агрофирмаси, «Солиҳ» фермер хўжалигининг ҳомийлик ёрдамларини алоҳида таъкидлаш зарур. Шунингдек, туман оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан ажратилган 200 минг сўмлик совға-салом, телевизор ва гиламлар маҳалла аҳолиси, айниқса, кексаларни мамнун этди.

Сайёра РИХСИЕВА.

МУҲИМ ОМИЛ

Оҳангарон туманида айни пайтда 83 та фермер хўжалиги чорвачилик билан шуғулланади. Улар тасарруфида уч минг бошга яқин қорамол бор. Лекин чорванинг асосий қисми – ўн минг бошдан кўпроғи хонадонларда боқилмоқда.

Йил давомида қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш, эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ишларига ҳомийлар, саховатпеша фермер ва тадбиркорлар, хайрия ташкилотлари муносиб ҳисса қўшмоқда. Айни пайтга қадар улар томонидан 176 оилага қорамол тарқатилди. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аҳолига қорамол сотиб олиш учун тўқсон миллион сўмдан зиёд кредит ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, қўмита ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

ИЧКИ МАҲСУЛОТ КЎПАЙДИ

Йиғилишда таъкидланганидек, 2006 йилнинг 9 ойида таркибий ислоҳотлар қўламларини кенгайтириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва эркинлаштириш, мулкчиликнинг хусусий секторини мустаҳкамлаш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш учун шарт-шароит яратиш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулот ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,3 фоиз ўсди.

Тадбирда ўтган даврда асосий эътибор аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш, бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтириш, самарадорлигини оширишга қаратилгани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, инвестиция дастури харажатларини бюджетдан молиялаштиришни оптималлаштириш, иш ҳақи, стипендия ва аҳолига бошқа тўловлар бўйича харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, солиқ юкини камайтириш асосида тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиш орқали янги иш ўринлари яратилаётгани таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ЎзА.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими, кенгаш раиси Мирзамашрап Куччиев бошқарди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23- ва 44-моддаларига асосан вилоят кенгаши айрим депутатларининг ваколатлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. 16-«Янги ҳаёт», 36-«Оққўрғон» ва 43-«Кориз» сайлов округларидан депутатлар О. Топилов, Т. Ботиров ва У. Абдуллаевларнинг ваколатлари ўз аризаларига биноан муддатидан илгари тўхтатилди.

Сессия «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига асосан 16-«Янги ҳаёт» 22-«Ғазалкент», 36-Оққўрғон, 43-Кориз сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга вилоят кенгаши депутатлари сайловини 2006 йил 24 декабрь, якшанба кунига тайинлади.

Сессия, шунингдек, Халқ депутатлари вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилди.

ФЕРМЕРЛАРГА АМАЛИЙ ЁРДАМ

Айни пайтда вилоятимизда аҳоли ва фермер хўжаликларига 150 га яқин зооветеринария пунктлари хизмат кўрсатмоқда.

Жорий йилда 15 та ана шундай пункт очилди. Бундан ташқари, иккита хусусий зооветпункт ҳам ишлаб турибди. Бу эса, ўз навбатида, соғлом рақобатни вужудга келтириш билан бирга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Янги йилда уларнинг сони яна саккизтага кўпаяди. Шу кунгача чорва билан шуғулланаётган аҳоли ва фермерларга олтмиш миллион сўмликка яқин зооветеринария хизмати кўрсатилди. Шунингдек, вилоят ветеринария бошқармаси томонидан четдан наслдор молларни келтириб кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган давр мобайнида Чиноз туманидаги "Хўжакент" фермер хўжалиги 70 та, Юқоричирчиқ туманидаги "Тано" фермер хўжалиги 100 дан ортиқ зотдор қорамол олиб келиш учун голландиялик ва хитойлик ҳамкорлар билан шартнома имзолади.

Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг шу йил 22 ноябрда Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида бўлиб ўтган сайёр мажлиси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг иш берувчилар (фермерлар) билан ишловчилар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий меъёрларининг Тошкент вилоятида бажарилишига бағишланди.

СОҲА РИВОЖИГА БАҒИШЛАНДИ

Вилоятнинг Янгийўл, Бўка, Ўртачирчиқ туманлари фермер хўжаликларида бу масалаларда мамлакатнинг кўпгина фермер хўжаликларига хос камчиликларга йўл қўйилган. Масалан, Янгийўл туманидаги "Файруза", Бўка туманидаги "Ғофиржон" ва "Мақсуд Даврон" фермер хўжаликларида ходимлар билан меҳнат шартномалари оғзаки тузилган, мавжуд шартномаларни томонлар имзоламаган ва улар фақат фермерларда сақланади. Янгийўл туманининг "Севинч туйғуси", "Ҳусниддин" хўжаликларида иш ҳақи меҳнат битимларида кўрсатиб қўйилмаган. Ўртачирчиқ туманининг "Коре-паприка", "Азамат", "Ҳаёт ўғли Фарҳоджон" хўжаликларида эса иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги учун фермер хўжалигининг ходимлари прокуратурага мурожаат қилишга мажбур бўлишган.

Сенат Қўмитасининг аъзолари кўрсатиб ўтилган камчиликларни муҳокама қилиб, хўжалик юритишнинг ҳозирги хусусияти фермер хўжалиги раҳбаридан катта шахсий масъулиятдан ташқари бухгалтерия, агрономия, муҳандислик, юриспруденция каби кўпгина фаолият соҳаларида муайян билимларга эга бўлишни талаб қилаётганлигини ва бу масалаларда фермерларга амалий ёрдам кераклигини таъкидладилар. Фермер хўжалиги билан унинг ходимлари ўртасидаги меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларида ёрдам зарурлиги айниқса сезилмоқда.

Сайёр йиғилишда сенаторлар, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Фермер хўжаликлари уюшмаси, тармоқ касаба уюшмаларининг раҳбарлари, депутатлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва бошқалар иштирок этдилар.

Қўмита мажлисида айрим вазирлик ва идоралар зиммасига "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 29-моддасига мувофиқ фермерларга ҳуқуқий билимларини такомиллаштириш масалаларида услубий ёрдам бериш, жойларда фермерларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув марказлари, курслар ва семинарлар ташкил этиш вазифаларини юклайдиган қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистон "диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар" деб аталмиш рўйхатга киритилгани мамлакатимиз кенг жамоатчилигида, беозор айтганда, таажжуб уйғотди. Бу ҳол Америка ташқи сиёсат маҳкамасининг дин ва эътиқод эркинлиги каби долзарб масалаларга бир томонлама ёндашишини ва "икки ёқлама стандартлар" бўйича иш тутишини яна бир бор намоён этади.

Эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Ана шу оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистонда 18 диний конфессия, жумладан, ислом, насроний, яҳудо, католик ва бошқа динлар вакиллари аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаб, ўзининг диний эътиқод амалларини эмин-эркин адо этиб келаётир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда динлараро, конфессияларо, конфессиялар билан давлат идоралари ўртасида бирон-бир қарама-қаршилик ёки зиддият юзага келган ҳолат қайд этилмаган.

Кейинги вақтларда БМТ доирасида ўтказилаётган барча йирик халқаро конференция, семинар ва учрашувларда Ўзбекистоннинг динлараро ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш борасида эришган ютуқлари ҳар тарафлама эътироф этилмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси айрим сиёсатчиларнинг, давлат арбоблари ва оммавий ахборот воситаларининг очиқдан-очиқ иғвогарликдан иборат ҳамда динлараро ҳамжиҳатликка раҳна солишга қаратилган андишасизларча ва мутлақо асоссиз уйдирмаларига нисбатан ҳар доим принципиал ва изчил позицияда бўлиб келган.

Бу, аввало, халқаро терроризмни муқаддас ислом дини билан боғлашга уринишлар, Ғарб нашрлари "сўз эркинлиги" шиори остида юз миллионлаб мўминмусулмонларнинг миллий ғурури ва шаънини камситадиган ҳақоратомуз фикрларни тарқатгани каби фактларга тегишлидир.

Ўзбекистон ҳамиша бундай хатти-ҳаракатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаган ва шундай ҳисоблайди. Муҳаммад пайғамбарга (с.а.в.) карикатуралар нашр қилинганининг ҳамда Рим Папаси Бенедикт XVI ислом дини ҳақида масъулиятсизларча айтган гапларнинг Ўзбекистон томонидан қораланиши бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон ислом маданияти ва фалсафаси шаклланган ҳамда ривожланган марказлардан бири сифатида эътироф этилган. Биз номлари бутун мусулмон оламида чуқур эҳтиром билан тилга олинадиган буюк уламолар ва файласуфлар мана шу муқаддас заминда яшаб ижод этганидан ҳақли равишда фахрланамиз. Ўзбекистон ушбу бебаҳо маънавий меросни тиклаш, ўрганиш ва асраб-авайлашга қаратилган изчил сиёсатни амалга оширмоқда.

Мамлакатимизда анъанавий динлар вакилларининг эътиқод эркинлигини таъминлаш учун Конституция ва қонун билан ҳамма шарт-шароит яратилган ва кафолатланган, деб қатъий айтишга барча асосларимиз бор. Миссионерлик билан шуғулланадиган турли диний оқим ва секталар фаолиятига келсак, Ўзбекистон бу масалада мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йиллардаёқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунининг асосий қоидаларига таяниб иш тутади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон томони АҚШ Давлат департаментининг мамлакатимизни "диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар" деб аталмиш рўйхатга киритиш тўғрисидаги қарори мутлақо асоссиз бўлиб, бу мустақил Ўзбекистоннинг ички ишларига аралашишдан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблайди.

ИСТЕЪДОДЛАР САРАЛАНДИ

Юқоричирчиқ туманидаги Янгибозор маданият уйида Умумжаҳон ОИТСга қарши халқаро кун муносабати билан иншолар ва расмлар кўрик-танлови ташкил этилди. У «ОИТС, гиёҳвандлик, чекишга йўқ деймиз» шиори остида ўтди.

Танловда умумтаълим мактаблари ва коллеж талабаларидан иборат 30 нафар ёш истеъдодлар ижодий ишларини намойиш қилишди. Бу асарларда ОИТС, гиёҳвандлик, чекишнинг инсон соғлигига ва жамият ривожи учун зарари, тинчлик, соғлом турмуш, спорт, санъат, байналминаллик, ҳаёт, гўзаллик, меҳр-муҳаббат, бахт, эзгулик каби мавзулар доирасида ўз тақдири, келажаги, орзу-интилишлари акс этган. Тасвирий санъат йўналиши бўйича 10-мактаб ўқувчиси Даврон Сманалиев, 34-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Нигора Далаева, иншо ёзиш йўналиши бўйича 3-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ўғилой Ғаниева, 34-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Гулчеҳра Ниёзалиева ғолиб деб топилиб, вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ғолиблар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Латифжон МАНСУРОВ.

«Бизнес вестник Востока» ҳафтаномаси фотомухбири Асқар Ёқубов Тошкентдаги Ўзбекистон-Япония инсон захираларини ривожлантириш маркази томонидан эълон қилинган «Серқирра Ўзбекистон» фото танлови ғолиби бўлди.

2007 ЙИЛ ТАҚВИМИНИ БЕЗАЙДИ

Марказдан маълум қилинишича, фотоижодкорнинг «Қўмсаш» асари нашрга тайёрланаётган 2007 йил тақвимини безайди.

Иккинчи ўрин Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходими Алла Семушкинага «Гўзал» фотосурати учун насиб этди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳаммаси бўлиб 12 та фотосурат тақвим учун танлаб олинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, фототанловга оммавий ахборот воситалари ходимлари, хорижий ташкилотлар вакиллари, талабалардан иборат жами 80 нафар муаллифнинг мингдан зиёд фотосуратлари қабул қилинди.

Ўн икки нафар ғолиблар марказ томонидан соврин ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

«Туркистон-пресс».

«МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР»

Йигирманчи асрнинг энг мудҳиш воқеаларидан бири – иккинчи жаҳон уруши даврида, 1941 йилда Беларусь, Украина каби душман босиб олган ҳудудлардан 250 минг нафардан зиёд, Польшадан 200 нафар гўдак Ўзбекистонга эвакуация қилинган.

Бу тарихий санага 65 йил тўлди. Шу муносабат билан ўзбек хонадонида туз-насиба топган, меҳр кўриб, униб-ўсган, эндиликда фарзандлари ва яқинлари томонидан эъзозланаётган отахону онахонлар пойтахтдаги Офицерлар уйида учрашдилар.

Тадбирда меҳмонлар уруш йиллари янграган «Оқ қайин», «Амур тўлқинлари», «Қуролдош дўстлар», «Кузги туш» каби мусиқалар билан қарши олинди. Кўзларда қувонч ёшлари қалқди. Етмиш ёшнинг нари-берисидаги нуроний отахону табаррук онахонлар бу кунларга эсон-омон етиб келиб, яна дийдор кўришганларига шукроналар айтишди.

Меҳмонларга «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва ҳомий ташкилотларнинг совға-саломлари топширилди.

«Туркистон-пресс».

УНУТИЛМАС УЧРАШУВ



Оққўрғон туманида маорифчиларнинг уч авлоди учрашуви бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланди. Учрашувга халқ таълими фахрийлари, устоз муаллимлар ва кенжа авлод вакиллари таклиф этилди. Устоз мураббийларга эҳтиром кўрсатилиб, ёшларни уларнинг ибратли анъаналарини давом эттириш, янгиланаётган жамиятимизнинг баркамол авлодларини тарбиялашга даъват этувчи қалб сўзлари янгради.

Абдулҳамид МУСОҚОВ.

СУРАТЛАРДА: *учрашувдан лавҳалар.*

Пардабой ЭРГАШЕВ олган суратлар.

Қарор ва ижро

ПУЛЛИ ХИЗМАТ СИФАТИГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги ислоҳотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Мулкчилик кўринишлари ранг-баранг тус олиб, рақобатнинг кучайиши хизматларнинг сифати кўтарилиб, аҳолининг иш билан бандлиги таъминланиб, турмуш даражаси яхшиланиб боришида асосий омилга айланаётир.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарори туманимизда тадбиркорликни ривожлантиришнинг истиқболли дастурларини амалга оширишга янги суръат бағишлади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 28 февраль ва 9 мартдаги 294- ва 303-қарорлари асосида эса аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тартибга солиб, унинг сифатини яхшилашга қаратилган дастурлар амалга оширила бошланди. Натижада турли йўналишларда хизмат қилаётган йўловчи ва юк ташувчи транспорт уюшмалари вужудга келди. Уларда техника ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш, солиқ интизомини тартибга солишга эришилмоқда.

Ҳозир туманимизда йўловчи ва юк ташувчи «Омад», «World bus service», «Оқ тулпор» сингари транспорт уюшмалари фаолият кўрсатмоқда. Давлат солиқ инспекцияси бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда транспорт хизмати кўрсатувчи тадбиркорлар ўртасида тушунтириш, тарғибот ишларини изчил олиб бориши бу хизмат намунали тус олишини таъминламоқда.

Ўз фаолиятини қонун ва қарорлар талаблари асосида ташкил этган тадбиркорларнинг сафи кенгайиб бораётир. Тегишли тартибда рўйхатдан ўтган 46 нафар юк ва транспорт воситалари эгалари Қибрай шаҳарчаси ва туман қишлоқларида аҳолига хизмат кўрсатаётир. Ҳозиргача уларнинг 70 фоиздан кўпроғи аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи юридик корхоналарга аъзо бўлди. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси қолган 15 та юк ва йўловчи ташувчи транспорт воситаларини ҳам якка тартибдаги тадбиркорлар реестридан чиқариб, транспорт уюшмаларига бирлаштириш мақсадида тушунтириш ва ташкилотчилик ишларини олиб бораётир.

Туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари транспорт хизмати кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ва қарорларнинг талабларига риоя этилишини муттасил назорат қилиб бораётирлар. Чунончи, шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 397 та автотранспорт хизмати кўрсатиш ҳолати назоратдан ўтказилди. Жами 25 марта ташкил этилган рейд текширувлари жараёнида 55 та автобус, 210 та микроавтобус, 61 та юк ва 71 та енгил автомашина ҳайдовчиларининг фаолияти ўрганилди. 49 ҳолатда автотранспорт уюшмаларининг икки аъзоси ва 47 жисмоний шахс хизмат кўрсатиш қоида ва тартибларига риоя қилмай, ҳуқуқбузарлик содир этаётганлиги аниқланди. Улардан 48 кишига ҳаммаси бўлиб 4 миллион 15 минг сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилди. Бир жисмоний шахсдан эса 940 минг сўм миқдорида молиявий жарима ундирилди.

Шу текширувлар мобайнида ҳайдовчи К. Солиев «ГАЗ 2705» русумли микроавтобусда ҳеч қандай ҳужжатсиз бир йил мобайнида йўловчи ташиб келаётганлиги аниқланди. Бу ҳолат тегишли тартибда ҳужжатлаштирилиб, иш туман прокуратурасига оширилди. Кейинчалик, яна 8 та юк ва 2 та енгил автомашина ҳайдовчилари ҳам ҳеч қандай ҳужжатсиз аҳолига пулли хизмат кўрсатаётгани маълум бўлди. Уларга нисбатан 857 минг сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилди.

Транспортда пулли хизматлар кўламини кенгайтириш аҳоли турмуш даражасини кўтаришда, бюджет тушумларини кўпайтиришда муҳим ўрин тутади. Шуни ҳисобга олиб, туманда транспорт уюшмалари фаолиятини янада кенгайтиришга, жисмоний шахсларнинг пулли транспорт хизмати кўрсатишини тартибга солишга эътибор кучайтирилаётир.

Аббос РАҲИМОВ,
Қибрай туман давлат солиқ инспекцияси жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш бўлимининг бошлиғи.

Анжуман

Мустақиллик туфайли юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Табиийки, бу жараён одамларга зиё бахш этувчи, маърифат тарқатувчи кутубхоналар фаолиятини замон талаблари даражасига кўтаришни талаб этади.

ИЗЛАНИШ – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР КАЛИТИ

Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги 381-Қарори айнан шу мақсад йўлидаги ҳаракатларнинг кенг қанот ёзишига имкон яратди. Бу йўналишда Тошкент вилояти ҳокимининг шу йил 13 июлда қабул қилинган 180-сонли қарорига мувофиқ Ангрен, Оҳангарон, Бўка, Оққўрғон, Бекобод шаҳри ва туманидаги марказий кутубхоналардан 11 таси институтимиз тасарруфига ўтказилди.

Бизнинг ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказимизнинг ўзида ҳозирги кунда 264 минг 512 дона ўқув қўлланмалари ва бадиий китоблар мавжуд. Яқинда Олий ва ўрта таълим вазирлиги муассислигида вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан педагогика олий ўқув юртлари учун мўлжалланган янги ўқув қўлланмалари олдик. Бугунги кунда марказ аъзолари, яъни китобхонларимиз 3600 кишидан ошди.

Марказ ҳаётига оид яна бир янгилик – 20 та компьютерга мўлжалланган мини-марказ ташкил этилаяпти. Бу ерда институтимизнинг илмий иш билан шуғулланаётган талабаларидан ташқари тадбиркор ва ишбилармонлар ҳам марказ аъзоси сифатида интернет хизматидан кенг фойдаланишлари мумкин.

Яқинда кенг китобхонлар иштирокида республикамиз Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган «Конституция — менинг тақдиримда» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказдик. Унда институт профессор-ўқитувчиларининг мавзу доирасидаги маърузалари тингланди. Тадбир якунида ўтказилган фаол китобхонлар танловида педагогика факультетининг 4-курс талабаси Хуршида Норпўлатова «Йилнинг энг фаол китобхони» йўналиши бўйича ғолиб бўлди.

Ботир ДОНИЁРОВ,
вилоят Давлат педагогика институти ходими.

СУРАТДА: *4-курс талабаси, «Йилнинг энг фаол китобхони» Хуршида Норпўлатова янги ўқув қўлланмалари билан танишмоқда.*

Мунаввара ИСОҚУЛОВА олган сурат.

ЗАРАР МАНСАБДОРДАН УНДИРИЛДИ

"Ўзсаноатқурилишбанк" нинг Чирчиқ шаҳар бўлимидан хурсанд ҳолда қайтган "Салтанат-Люкс"фирмаси раҳбари Абубакир Анорбоев кредит эвазига амалга оширадиган ишларини яна бир бор хаёлидан ўтказди.

Хуллас шартнома тузилиб, банк фирмага хом ашё ва ускуна сотиб олиш учун кредит ажратадиган бўлди.

Кредит маблағига таянган фирма раҳбари Абубакир Анорбоев орадан ўн икки кун ўтгач, ускуна сотиб олиш учун «Бургут» фирмаси билан шартнома тузди.

Лекин фирма раҳбарининг қувончи узоққа чўзилмади. Чунки банк кредит шартномасини ижро қилмасдан бир томонлама бекор қилди.

– Ваҳоланки, ўртада тузилган ҳужжатга кўра, шартнома икки тарафнинг келишуви билан бекор қилиниши белгилаб қўйилган, – деди Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходими Иброҳим Ҳотамов. – «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 38-моддасига асосан тадбиркорга етказилган зарарнинг ўрни бу зарарни етказган шахс томонидан тўла ҳажмда, шу жумладан бой берилган фойда қўшиб қопланиши керак. «Салтанат-Люкс» фирмаси раҳбари адлия идорасига мурожаатида «Бургут» фирмаси билан тузган шартнома мажбуриятларининг бажарилмай қолганлиги туфайли жами 4 миллион 833 минг сўм моддий ва маънавий зарар кўрганлигини баён этган. Бунинг оқибатида тадбиркорнинг ишчанлик обрўйига ҳам путур етган.

Вилоят адлия бошқармаси тадбиркорнинг манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига даъво ариза киритди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, тадбиркорга етказилган жами 1 миллион 692 минг 117 сўм моддий зарар «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Чирчиқ шаҳар бўлими бошқарувчиси ва кредит бўлими бошлиғи ҳисобидан ундириладиган бўлди.

Ҳусан СУЛАЙМОНОВ,
«Туркистон-пресс».

Эрон Ислом Республикасининг Теҳрон шаҳрида «Эрон-2006» ўт ўчирувчилар ва қутқарувчилар спорти бўйича III жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда Россия, Украина, Беларусь, Озарбайжон, Қозоғистон, Чехия, Литва, Эрон, Ўзбекистон каби давлатларнинг терма жамоалари қатнашди.

ДОВЮРАКЛАР СПОРТИ

Чемпионат ўт ўчириш амалий спортининг 4 та тури бўйича бўлиб ўтди.

Умумжамоа ҳисобида республикамиз терма жамоаси 7-ўринни эгаллади.

Чемпионат давомида дунёда танилган етакчи фирмалар ўзларининг ўт ўчириш машиналари ва ёнғин-қутқарув техникаси воситалари кўргазмасини намойиш этди.

Шунингдек, ўт ўчирувчилар ва қутқарувчилар спортини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси терма жамоасининг бош мураббийи Сервер Кистоубаев Россия Федерациясининг иккинчи даражали «Буюк Пётр» ордени билан мукофотланди.

Асад РИСҚИЕВ,
республика ИИВ ЁХББ катта муҳандиси.

ОИЛА – ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Бугун юртимизда оилани мустаҳкамлаш, айниқса, ёшларни ҳаётга тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган қадриятларга ҳурмат, эъзоз намунасидир. Янги қурилаётган оилаларни ҳар тарафлама ўрганиш, ёшларнинг бир-бирига муносиблиги таҳлил қилиниб, шундан сўнггина турмуш қуришга рухсат этилаётгани ҳам бунинг исботидир.

Шунга қарамай, айрим ёшлар оила қуриш олдидан ўтиладиган тиббий кўрик масалаларига жиддий қарамаётганлари, бунинг моҳиятини тушуниб етмаётганликлари ачинарли ҳолдир.

Яқинда ёш оила пароканда бўлди. Маълум бўлишича, куёв бўлмишнинг тутқаноқ касали бўлиб, гоҳи-гоҳида ҳуруж қилиб турар экан. У амалдорнинг ўғли бўлгани учунми, тўйдан олдинги тиббий кўрик ҳам қиғир йўллар билан тўғирланган экан...

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, энг асосийси, ёшларнинг оилага бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш, бу даргоҳ нақадар муқаддас манзиллигини, қолаверса, жамиятнинг асосий бўлаги, узвий қисми эканлигини тушунтириш мақсадида ташкил этилаётган «Ёш оила мактаби» семинарлари ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Унда никоҳ тузиш учун ариза берган ёшлар, оила қуриш бўсағасида турган йигит-қизлар, ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун алоҳида назарий ва амалий машғулотлар ташкил этилмоқда. Бундай машғулотларни бугун юртимиздаги барча ФҲДЁ уйларида ўтказиш оммалашиб улгурди. Унда ФҲДЁ уйларининг масъул ходимлари турмуш қуришнинг моҳияти, оиланинг жамият ҳаётидаги ўрни ва бошқа масалалар хусусида ёшларга тушунча берсалар, тиббиёт ходимлари никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамиятини уқтиришмоқда. Нотариус идоралари вакиллари эса никоҳ шартномалари, бундан кўзланган мақсад каби қатор ҳаётий келишмовчиликларга сабаб бўладиган масалалар хусусидаги ҳуқуқий меъёрларни ёшларга етказмоқдалар. Бундай тадбирлар ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Аммо, энг асосийси оиланинг мустаҳкам пойдеворга эга бўлиши ҳар бир хонадон катталарига, улар берган тарбияга боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим.

Васила КАРИМОВА,
давлат нотариуси.

ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

Тошкент туманидаги 18-умумтаълим мактабида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» муносабати билан ташкил этилган тадбирда вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, ички ишлар бўлими ходимлари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар асосий эътиборни электротехника ва газ асбоб-анжомларидан тўғри фойдаланиш йўллари ҳамда ёнғиннинг олдини олишга қаратишди.

Ойлик давомида мактабнинг бошланғич синфларида кўргазмали воситалар ёрдамида ёнғин хавфсизлигига оид ўтказилаётган очиқ дарслар ўз самарасини бераётганлиги таъкидланди.

Тадбир сўнгида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб олишди.

Ҳуррият МЎМИНОВА.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Тошкент вилояти адлия бошқармаси Ангрен шаҳар Красногорск қўрғонидаги 3-сонли ўрни бўш бўлган давлат нотариал идораси нотариуси лавозими учун танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар адлия бошқармасига шахсан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

а) Малака комиссияси номига ариза;

б) паспорт нусхаси;

в) белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;

г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

е) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин 3 йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;

ж) охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй.

Телефонлар: 363-51-03, 362-84-30.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 27

ЎЗБЕКИСТОН 1ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45, 10.30, 11.10, 14.15, 16.35, 17.10, 18.25, 19.15, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.50, 13.45, 17.15 Олтин мерос.
9.00, 14.20 «Олам ва одам» дастури: «Француз қалъалари».
9.50 «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
10.35 «Одами эрсанг».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
11.15 «Шахсий фикр».
11.50 «Дил таронаси».
11.55 «Муқаддас қадамжолар».
12.20 «Эргинамнинг орзуси». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли.
15.10 «Дил таронаси».
15.15 «Ватанпарвар».
16.15 «Қишлоқ ҳаёти».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.20 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.35 «2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Эзгулик».
17.55 «Оҳанглар оғушида».
18.05 «Умр дафтари».
18.30 «Филипп Марлоу». Т/с.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Т/с.
21.40 «Бир ўлка-ки».
22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Француз қалъалари».

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

18.00 «Шимол тафти». Т/с.
18.30, 20.30 UzEX.
18.40 Олов билан юзма-юз.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.30 Наво-SMS.
19.40, 22.45 «Саломея». Т/с.
20.10 Спорт-лото.
20.15 Ракурс.
20.35 «Қомусим – номусим!»
20.40 «Ошуфта». Аслиддин Дўстов.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Т/с.
22.30 Дилрабо.

ТОШКЕНТ tTv

18.00 М/ф «Кук сичконча ва хумбош мушукнинг саргузаштлари».
18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
18.50 «Гвадалупе». Т/с.
19.30 Музыка SMS.
19.50 «Будьте здоровы».
20.20 «Эрудит».
20.35 Дикий мир. «Киты».
21.00 «Интервью».
21.10 «Жозиба».
22.10 «Аёл калби».
22.50 Кино «История любви».

СПОРТ (SPORT TV)

18.00 Мультфильм.
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.50 «Футбольное обозрение».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 Гимнастрада. Республиканский фестиваль.
21.50 «Проф-РИНГ».
22.40 Футбол. Премьер-лига Англии.

СЕШАНБА 28

ЎЗБЕКИСТОН 1ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 11.10, 12.10, 14.15, 17.10, 17.35, 19.00, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 13.50 Олтин мерос.
8.45, 14.20, 23.20 «Олам ва одам» дастури: «Француз қалъалари».
9.35 «Ўйла, Изла, Топ!». Телемусобақа. «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
10.35 «2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Эзгулик».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.15 «Қуз наволари».
12.45, 22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
15.10 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
15.20 «Заковат».
16.20 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.40 «Ақл ва идрок».
17.15 Эски альбом.
17.20 ИИВ хабарлари.
17.40 «Ҳаётимиз қомуси».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Умр дафтари».
18.30 «Филипп Марлоу». Т/с.
19.05 «Сизнинг адвокатингиз».
19.10 «Банк ва мижоз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 Эркин мавзу.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат».

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00, 21.15 «Муҳаббат дардлари». Т/с.
8.40 Journal.
9.00, 20.15 ДаврА.
9.30 Ракурс.
9.45 Жаҳон операсидан: «Кармен».
9.55 Ватаним!
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15, 17.55 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
11.50 Жаҳон операсидан: «Марварид изловчилар».
13.15 «Қомусим – номусим!».
13.20 Мўйқалам сеҳри.
14.00, 18.00 «Шимол тафти». Т/с.
14.30 Интерфутбол.
16.15 Ёшлик наволари.
16.30 «Сеҳрли тош». Т/с.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 «Селестин». М/с.
17.20 Болалар табассуми.
17.25 Таълим ва тараққиёт.
17.45 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги олдидан: «Истиқбол тимсоллари».
18.30 Дилрабо.
18.45 ТВ-банк.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.30, 20.50 Наво-SMS.
19.40, 22.45 «Саломея».
20.10 Спорт-лото.
20.15 Автопатруль.
20.35 JOKER телелотореяси.
21.05 Эълонлар.
22.30 Дилрабо.

ТОШКЕНТ tTv

7,30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.50, 11.35, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Аел калби».
9.55 «Мулохаза учун мавзу».
10.25, 19.30 Музыка SMS.
10.45 «Будьте здоровы».
10.55 «Все о туризме».
11.25, 21.00 «Интервью».
11.40, 20.20 «Эрудит».
11.55 Кино «История любви».
18.00 М/ф «Кук сичконча ва хумбош мушукнинг саргузаштлари».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Согинч».
20.35 Дикий мир. «Киты».
21.10 «Жозиба».
22.10 «Самое смешное видео».
22.50 Кино «Оптом дешевле».

СПОРТ (SPORT TV)

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Детский спорт».
8.35 «Все о животных».
9.20 Кураш. Кубок Узбекистана.
9.50 «Детективы».
10.20 Мини-футбол. Чемпионат Узбекистана.
18.15 Мультсериал.
18.50 «Вокруг света вместе с Типпи».
19.15 XV Азиатские игры. Футбол. Узбекистан - ОАИ.
21.10 «Богатырские игры».
21.45 XV Азиатские игры. Футбол.

ЧОРШАНБА 29

ЎЗБЕКИСТОН 1ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 11.10, 12.40, 14.15, 17.10, 19.00, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 11.55, 17.15 Олтин мерос.
8.45, 14.20 «Олам ва одам» дастури: «Француз қалъалари».
9.35 «Олтин тож». Телеўйин. «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
10.30 ИИВ хабарлари.
10.45 «Банк ва мижоз».
10.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари». Т/с.
12.00 «Ягона оилада».
12.20 «Ибн Синодан ранжиган бемор». Теленовелла.
12.45, 22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
15.10 «Дил таронаси».
15.15 «Оддий ҳақиқатлар».
16.05 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
16.25 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.40 «ҚораҚалпоқнома».
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Саломатлик» дастури.
18.00 «Бизнинг кутубхона».
18.10 «Умр дафтари».
18.30 «Филипп Марлоу».
19.05 «Оҳанглар оғушида».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Янги оҳанглар».
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.20 «Зулматдаги рақҳоса». Б/ф.

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00, 21.15 «Муҳаббат дардлари». Т/с.
8.40 Автопатруль.
9.00 Давр мавзуси.
9.15 Истиқбол тимсоллари.
9.25 Таълим ва тараққиёт.
9.45 Жаҳон операсидан: «Вертер».
9.55 Ёнимдаги бахт.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15, 17.55 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
11.50 Жаҳон операсидан: «Севилья сартароши».
13.15 «Қомусим – номусим!»
13.20 «Қамолот» хабарлари.
13.30 Радиодан кўрсатамиз.
13.50 Нафосат олами.
14.00, 18.00 «Шимол тафти». Т/с.
14.30 «Болалар – болалар учун!».
15.30 CINEMANIYA.
16.15 Ватан мадҳи.
16.30 «Сеҳрли тош». Т/с.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 «Селестин». М/с.
17.20 Эврика.
17.35 Шоҳсупа.
18.30 Дилрабо.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.30, 20.50 Наво-SMS.
19.40, 22.45 «Саломея».
20.10 Спорт-лото.
20.15 Автопатруль.
20.35 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги олдидан: «Давр мавзуси».
21.05 Эълонлар.
22.30 Дилрабо.

ТОШКЕНТ tTv

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.40, 10.45, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Согинч».
9.45, 21.00 «Репортаж».
9.55 «Нима учун?»
10.25, 19.30 Музыка SMS.
10.50, 20.20 «Эрудит».
11.05 Кино «Оптом дешевле».
18.00 М/ф «Кук сичконча ва хумбош мушукнинг саргузаштлари».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Мисли гавҳар».
20.35 Дикий мир. «Странные дни».
21.10 «Жозиба».
22.10 «Келажакка интилиб».
22.20 «Миниатюра ранг тасвири». Телефильм.
22.50 Кино «Холостой выстрел».

СПОРТ (SPORT TV)

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Детский спорт».
8.35 «Все о животных».
9.20 Кураш. Кубок Узбекистана.
9.50 Детективы.
10.20 Мини-футбол. Чемпионат Узбекистана.
18.15 «Спортивный Каракалпакстан».
18.50 Новая экономика.
19.15 XV Азиатские игры. Футбол.
21.15 «Тет-а-тет».
21.50 «Форт Боярд».
23.10 Еврофутбол. «Болтон» - «Арсенал».

ПАЙШАНБА 30

ЎЗБЕКИСТОН 1ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 11.10, 12.10, 14.15, 17.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 13.50 Олтин мерос.
8.45, 14.20 «Олам ва одам» дастури: «Француз қалъалари».
9.35 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа. «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
10.35 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари». Т/с.
11.55 «Дил таронаси».
12.15 «Бизнинг кутубхона».
12.25 «Дурдаршан».
12.45, 22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
15.10 «Дил таронаси».
15.20 «Оталар – сўзи ақлнинг кўзи».
16.20 «Болалар дунёси». «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.15 «Имконият».
17.35 «Шифокор қабулида».
17.55 «Автоҳамроҳ».
18.15 «Ёшликда ўргансанг ҳунар».
18.35 «Филипп Марлоу». Т/с.
19.05 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Ёшлар – келажагимиз».
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.20 «Зулматдаги рақҳоса». Б/ф.

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

6.00, 12.00 Янги тонг.
8.00, 21.15 «Муҳаббат дардлари». Т/с.
8.40 Автопатруль.
9.00 Давр мавзуси.
9.15 Истиқбол тимсоллари.
9.25 Таълим ва тараққиёт.
9.45 Жаҳон операсидан: «Вертер».
9.55 Ёнимдаги бахт.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15, 17.55 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
11.50 Нафосат олами.
13.15 «Қомусим – номусим!»
13.20 Олов билан юзма-юз.
13.35 Сув – ҳаёт манбаи.
13.50 Жаҳон операсидан: «Севги шароби».
14.00, 18.00 «Шимол тафти». Т/с.
14.30 «Миниг бир кеча» спектакли.
16.15 Ёшлик наволари.
16.30 «Сеҳрли тош». Т/с.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 «Селестин». М/с.
17.20 Болалар табассуми.
17.25 Чемпион сирлари.
17.45 Давр-репортаж.
18.30 Дилрабо.
18.45 Сифат белгиси.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.30, 20.40 Наво-SMS.
19.40, 22.45 «Саломея». Т/с.
20.10 Бу шундай бўлган эди.
20.30 ТВ-дорихона.
21.05 Эълонлар.
22.30 Дилрабо.

ТОШКЕНТ tTv

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.40, 10.25, 18.45, 20.15, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.45 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Мисли гавҳар».
9.45, 21.00 «Интервью».
9.55 «Келажакка интилиб».
10.05, 19.30 «Музыка SMS».
10.30, 20.20 «Эрудит».
10.45 Кино «Холостой выстрел».
18.00 М/ф «Кук сичконча ва хумбош мушукнинг саргузаштлари».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Экономическое ревью».
20.35 Дикий мир. «Странные дни».
21.10 «Жозиба».
22.05 «Топ гид. Париж».
22.50 Кино «В движении».

СПОРТ (SPORT TV)

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Детский спорт».
8.35 «Все о животных».
9.20 Кураш. Кубок Узбекистана.
9.50 Детективы.
10.20 Мини-футбол. Чемпионат Узбекистана.
18.15 Мультсериал.
18.50 «АВТОграф».
19.10 «Путешествия натуралиста».
19.35 «Восточные единоборства».
20.00 «Вести».
20.20 «Беллашув».
22.00 Волейбол. Женщины.
23.30 Настольный теннис.

ЖУМА 1

ЎЗБЕКИСТОН 1ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 10.25, 11.10, 12.40, 14.15, 16.00, 17.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 11.55 Олтин мерос.
8.50, 14.20, 23.20 «Олам ва одам» дастури: «Француз қалъалари».
9.40 «Цирк, цирк, цирк». «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
10.30 «Автоҳамроҳ».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари». Т/с.
12.00 «Ишонч». Видеофильм.
12.20 «Ёшликда ўргансанг ҳунар».
12.45, 22.00 «Сарой жавоҳири». Т/с.
13.50 «Зилол». Фольклор қўшиқлар.
15.05 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
15.20 «Меҳр кўзда».
16.05 «Саргузаштлар ороли». «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.15 «Эркин иқтисодиёт».
17.35 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
17.55 «Умр мазмуни».
18.15 «Оҳанглар оғушида».
18.20 «Филипп Марлоу». Т/с.
18.50 «Минг бир ривоят».
18.55 «Ҳидоят сари».
19.15 «Бизнес янгиликлари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Одамлардан бири».
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат».

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

6.00, 12.00 Янги кун.
8.00, 21.15 «Муҳаббат дардлари». Т/с.
8.40 Дунё бўйлаб.
9.00 Давр-репортаж.
9.10 Бу шундай бўлган эди.
9.30 Чемпион сирлари.
9.50 ТВ-дорихона.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15, 17.55 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
11.50 Жаҳон операсидан: «Норма».
13.15 «Қомусим – номусим!»
13.20 ОИТСга қарши: «Инсон қадр-қиймати».
13.45 Жаҳон операсидан: «Эрнани».
14.00, 18.00 «Шимол тафти». Т/с.
14.30 «Нихол – 2006».
16.15 Ватан мадҳи.
16.30 «Сеҳрли тош». Т/с.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 «Селестин». М/с.
17.20 Болажон.
17.30 Кичкинтой театри.
17.50 Болалар табассуми.
18.30 Дилрабо.
18.45 Солиқ хизмати.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.30, 20.45 Наво-SMS.
19.40, 22.45 «Саломея». Т/с.
20.10 Спорт-лото.
20.15 «Моя мечта».
21.05 Эълонлар.
22.30 Дилрабо.

ТОШКЕНТ tTv

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 10.00, 10.45, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Санъат гулшани».
9.50 «Гилам». Телефильм.
10.05, 19.30 Музыка SMS.
10.25, 21.00 «Интервью».
10.35 «Экономическое ревью».
10.50, 20.20 «Эрудит».
11.05 Кино «В движении».
18.00 «Афиша».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Саломат булинг».
20.35 Дикий мир. «Поместье сурикатов».
21.10 «Жозиба».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.50 Кино «Укол зонтиком».

СПОРТ (SPORT TV)

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.00, 18.30, 20.40 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Детский спорт».
8.35 «Все о животных».
9.20 Кураш. Кубок Узбекистана.
9.50 Детективы.
10.20 «Ринг».
10.50 Мини футбол. Чемпионат Узбекистана.
18.15 Мультсериал.
19.00 «Поле чудес».
20.00 «Вести».
20.20 «Народные игры».
21.00 Торжественная церемония открытия XV Азиатских игр.

ШАНБА 2

ЎЗБЕКИСТОН 1ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 14.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 12.45, 14.15, 18.30, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олтин тож». Телеўйин. «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
9.45 «Шифокор қабулида».
10.05 «Мусиқа дунёси».
10.25 «Рангинкамон». «Дидар».
11.05 «Оналар мактаби».
11.25, 20.10 «Оила ришталари». Т/с.
12.00 «Интеллектуал ринг».
12.50 «Сарой жавоҳири». Т/с.
13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
14.20 «Ы» операцияси ёки Шурикнинг саргузаштлари». Б/ф.
15.50 «Оҳанглар оғушида».
15.55 «Ўйла, Изла, Топ!». Телемусобақа. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
16.50 «Олтин бешик».
17.20 «Филипп Марлоу». Т/с.
17.50 «2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Саломатлик сирлари».
18.10 «Қуймоқ».
18.35 «Меҳр кўзда».
19.15 «Суперлото», Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.55 , 21.30 Эълонлар.
20.05 «ТВ шифокор».
21.40 «Ҳаёт давом этади».
22.00 «Кўнглим қўшиқ истайди».
22.40 «Бурч ва муҳаббат». Б/ф.

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

6.00, 12.00 Янги кун.
8.00 «Муҳаббат дардлари». Т/с.
8.40 Ўрзулар майдони.
9.10 Енимдаги бахт.
9.15 Юлдуз билан.
9.45 Жаҳон операсидан: «Трубадур».
9.55 Ватаним!
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
10.15, 17.55 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
11.50 Солиқ хизмати.
13.15, 16.15 «Қомусим – номусим!».
13.20 «Ортиқ»ча клиникаси.
13.50 Нафосат олами.
14.00, 18.00 «Шимол тафти». Т/с.
14.30 «Моя мечта».
15.00 XV Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими.
16.20 Бола тилидан.
16.50 Талабалар шаҳарчаси.
17.10 Қўшиқнинг туғилиши.
17.35 Рўзғор мактаби.
18.30 Дилрабо.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.30 Эълонлар.
19.35 Наво-SMS.
19.45 Матонат.
20.00 «Камолот» хабарлари.
20.10 «Дилроз». Ўлмас Оллоберганов.
20.40 Эълонлар.
20.45 ДаврА.
21.15 Оҳанрабо.
22.30 Дилрабо.
22.45 Таманно.

ТОШКЕНТ tTv

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.55, 10.50, 20.15, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.45 «Гвадалупе».
9.15, 18.10, 21.45 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Дилкаш наволар»: Екутжон Ражабов.
10.00 «Саломат булинг».
10.10, 19.25 Музыка SMS.
10.30, 21.05 «Репортаж».
10.40, 18.00 «Афиша».
10.55, 20.20 «Эрудит».
11.05 Кино «Укол зонтиком».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.45 «ИИВ хабарлари».
20.35 «У камина».
21.15 «Жозиба».
22.05 «Топ-гид. Кипр».
22.50 «Большой папа».

СПОРТ (SPORT TV)

7.30, 8.40, 18.30 «Хабарлар».
7.50 «Музыкальный марафон».
9.00 «Бодрое утро».
10.00, 18.20 Мультфильм.
10.10 «Смак».
10.30 «Фазенда».
11.05 «Военное дело».
11.25 «Здоровая семья».
12.00 XV Азиатские игры. Плавание.
13.30 Мини-футбол. Чемпионат Узбекистана.
14.05 «Тайм-аут».
14.30 На XV Азиатских играх.
18.00 «Детский спорт».
18.50 «Ровесник».
19.15 «Приятного аппетита!»
19.40 «Вести».
20.00 Плавание.
21.45 Футбол. Узбекистан - Катар. В перерыве «Хабарлар».
23.40 «Большие гонки».

ЯКШАНБА 3

ЎЗБЕКИСТОН 1ТВ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35, 10.55, 14.25, 18.10 ТВ анонс.
8.40, 21.45 Олтин мерос.
8.50 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. «Жонли ўрмон». М/ф.
11.00 «2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Саломатлик сирлари».
11.20 «Оила ришталари». Т/с.
11.55 «Минг бир маслаҳат».
12.15 «Янги оҳанглар».
12.40 «CINEMA.UZ».
13.05, 14.30 «Бобби». Б/ф.
15.55 «50х50».
16.45 Ватан ҳақида қўшиқлар.
16.55 «Олтин тож». Телеўйин. «Мамонтчанинг онаси». М/ф.
17.40 «Меҳр қолур».
18.15 «КулдиРИНГ».
18.50 «Одами эрсанг».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30, 21.00 «Таҳлилнома».
20.05 «Оддий ҳақиқатлар».
21.55 «Заковат».
22.55 «КиноТеатр».
23.15 «Бурч ва муҳаббат». Б/ф.

ЁШЛАР (Yoshlar Telekanali)

6.00 Жаҳон киноси: «Форрест Гамп».
8.20 Таманно.
9.05 Оҳанрабо.
9.45 Матонат.
10.00 Ватанпарвар.
11.00 Journal.
11.20 «Камолот» хабарлари.
11.30 «Антиқа пойга». М/ф.
13.15 Қилни қирқ ёриб.
14.00 «Шимол тафти». Т/с.
14.25 Матонат.
14.40 XV Осиё ўйинлари кундалиги.
15.10 Интерфутбол.
16.50 Ринг қироллари.
17.40 Чемпион сирлари.
18.00 Эрта сўнган юлдузлар.
18.20 Матонат.
18.35 Дилрабо.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр хафта ичида.
19.30 «Yoshlar»да қиш оқшомлари.
21.00 Эълонлар.
21.10 Мухлис-шоу.
22.00 CINEMANIYA.
22.30 Жаҳон киноси: «Смокинг».

ТОШКЕНТ tTv

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 9.45, 12.20, 16.20, 18.30, 20.25, 21.05 «Анонс».
8.35 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.10, 20.30 «Телекурьер маркет».
9.30 «ИИВ хабарлари».
9.50 «Интервью».
10.00, 11.20 Кино «Ромео ва Жулетта».
11.10 «Афиша».
12.25 М/ф «Урдакчаларнинг саргузаштлари».
13.05 Музыка SMS.
13.25 «Аптека слушает».
14.10 Фильм-сказка: «Маугли и Балу».
15.35 «У камина».
16.05, 20.50 «Эрудит».
16.25 Кино «Большой папа».
17.50 «Жозиба».
18.35 «Санъат гулшани».
18.55 Кино «Ёр-ёр».
20.00 «Дилкаш наволар». Илхом Фармонов.
21.10 «Все о туризме».
21.40 Воскресный кинозал: «Двенадцать друзей».

СПОРТ (SPORT TV)

7.30, 8.30 «Хабарлар».
7.50 Веселые старты».
8.50 «Улыбка».
9.00 «Бодрое утро».
10.00 Мультфильм.
10.10 «Ваш соперник гроссмейстер».
10.30 «Приятного аппетита!»
10.55 «Непутевые заметки».
11.10 «Пока все дома».
12.00 На XV Азиатских играх.
18.30 «Версия».
19.00 «Звезды на льду».
20.00 Плавание. Финал.
21.45 Футбол. В перерыве «Талкин».
23.20 «Полеты во сне и наяву». Х/ф.

Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

ҳақиқий сармоядорларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги ПҚ-407-сонли қарорига асосан «Тўлалигича хусусий мулк сифатида сотиладиган корхона ва объектлар ҳамда жойлаштирилмаган давлатга тегишли активларнинг сотуви»ни эълон қилади

№ т/р	№ илова	Корхона ва объектлар номи	Тармоқ	Жойлашган манзили	Сотилиш шакли	Сотиш учун белгиланган давлат активи (%)
1	2	3	4	5	6	7
1	1	"Чирчиқ нон" АЖ	Ҳокимият	Чирчиқ	Давлат тендер комиссияси қарорига асосан сотилади	25
2	1	"Кичкинтой" АЖ	«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси	Янгийўл шаҳри	биржа, аукцион	22
3	1	"Далварзин таъмирлаш заводи" АЖ	"Агромашсервис" уюшмаси	Бекобод тумани	биржа, аукцион	23
4	1	"Олмалиқ ободончилиги" ЁАЖ	"Ўзавтойўл" ДАК	Олмалиқ шаҳри	биржа, аукцион	25
5	1	Зона отдыха "Бурчмулла"	"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК	Бўстонлиқ тумани	Давлат тендер комиссияси қарорига асосан сотилади	100
6	1	Зона отдыха "Алгоритм"	"Ўзэлтехсаноат" уюшмаси	Бўстонлиқ тумани	Давлат тендер комиссияси қарорига асосан сотилади	100
7	1	"Янгийўл бош пиллахонаси" МЧЖ	«Ўзбек ипаги» уюшмаси	Янгийўл тумани	биржа, аукцион	25
8	1	"ПМ-93" МЧЖ	Ҳокимият	Чирчиқ шаҳри	биржа, аукцион	25
9	1	Детский оздоровительный лагерь "Мовий денгиз"	Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари	Ўртачирчиқ тумани	Давлат тендер комиссияси қарорига асосан сотилади	100
10	1	Дом культуры АО "Шарқий қурама"	Давлат геология қўмитаси	Ангрен шаҳри	биржа, аукцион	100
11	1	Қозонхона, А.Қодирий кўчаси, 5-уй	Ҳокимият	Бўка тумани	биржа, аукцион	100
12	1	Детский сад "Гулбаҳор"	Халқ таълими вазирлиги	Паркент тумани	биржа, аукцион	100
13	1	Зона отдыха предприятия "Чирчиқсувоқава"	Ҳудудий коммунал бошқармаси	Бўстонлиқ тумани	Давлат тендер комиссияси қарорига асосан сотилади	100
14	1	"Муҳандис" МЧЖ	Бошқалар	Тошкент тумани	биржа, аукцион	25
15	1	"ЎзБМЗ" АЖ	"Ўзсельхозмаш-холдинг" ХК		биржа, аукцион	14
16	1	"Ғунча" АЖ	"Ўзбекенгилсаноат" ДАК	Чирчиқ шаҳри	биржа, аукцион	7
17	1	"Дўстобод тажриба механика заводи" МЧЖ	"Ўзпахтасаноат" уюшмаси	Қуйичирчиқ тумани	Давлат тендер комиссияси қарорига асосан сотилади	25
18	1	"Нур" АЖ	"ЎзМАДпарранда-холдинг" ХК	Бўстонлиқ тумани	биржа, аукцион	25
19	1	"Саноатқалинқоғозсавдо" АЖ	Аввал тугатилган "Ўзбек қоғози" уюшмаси	Ангрен шаҳри	биржа, аукцион	25
20	1	Санаторий-профилакторий "Химик" АО "Ўзбекрезинотехника"	Бошқалар	Ангрен шаҳри	биржа, аукцион	100
21	1	РУТБ "Янгиобод" МЧЖ	Маданият ва спорт вазирлиги	Ангрен шаҳри	биржа, аукцион	25
22	1	Детский оздоровительный лагерь "Дўстлик"	Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари	Бўстонлиқ тумани	Давлат тендер комиссияси қарорига асосан сотилади	100
23	1	"Озодлик" АЖ	"Агромашсервис" уюшмаси	Зангиота тумани	биржа, аукцион	25
24	1	Детский сад № 3 "Олтин балиқча"	Халқ таълими вазирлиги	Ангрен шаҳри	биржа, аукцион	100
25	1	Детский сад № 14	Халқ таълими вазирлиги	Бўка тумани	биржа, аукцион	100
26	1	"Паркент МТП" АЖ	"Агромашсервис" уюшмаси	Паркент тумани	биржа, аукцион	2
27	1	Статистика бўлими ҳисобидаги бино	Ҳокимият	Юқоричирчиқ тумани	биржа, аукцион	100
28	1	Чирчиқ-Оҳангарон ИТХБ 3-КМКнинг ишлаб чиқариш базаси	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	Юқоричирчиқ тумани

Шеърият

БАХТНИНГ МАКОНИ

Бахтнинг борми асл макони,
Дунёларга айладим хитоб.
У қалбимни тинглади, аммо —
Сукут билан қайтарди жавоб.

Бахтнинг борми асл макони,
Дарёларга бердим мен савол.
Улар шошиб оқиб ўтдилар,
Келган каби саволим малол.

Бахтнинг борми асл макони,
Одамларга юзландим охир.
Улар ҳикмат айтдилар шундоқ,
Ҳар сўзида маънолар зоҳир.

Дедиларки, шукрона айтгил,
Бу дунёда ҳамма нарсанг тахт.
Дилингни соф, иймонинг бут қил,
Эзгулик деб яшамоқ ҳам бахт.

МАҲБУБИМ

Маҳбубим!
Ул дам қалбим титраб сизни излайди,
Сизнинг ҳақингизда тинмай сўзлайди.
Бемаҳал уфурди ҳижрон тўфони,
Соғинч ҳисларидан ёниб бўзлайди.

Маҳбубим!
Сизни унутмоққа қурбим етмайди,
Сизсиз узун тунларим ҳамон отмайди.
Лек сизга бир олам соғинч мактубим,
Ёзишга қўлларим қалам тутмайди.

Маҳбубим!
Севги боғларида ёлғиз кезарман,
Хаёл уммонида танҳо сузарман.
Нега ҳеч бирга бўлмасмиз, жоним,
Гўёки сиз ёқут, мен оддий зарман.

Маҳбубим!
Вақти келар учрашармиз ҳам,
Севгидан сўзлармиз, ул дамда беғам.
Балки тақдиримиз айро тушса гар,
Ўзга ёр қошида қурармиз аҳком.

Зуҳра БЕГИМҚУЛОВА,
Оҳангарон тумани.

ИККИЛИКЛАР

Чин инсонсан, эл-юрт бахтин ўйлагин,
Совурмагин вақт мулкини, топиб-топиб сўйлагин.

Дўқ-пўписа донога ҳам обрў келтирмас,
Чин чавандоз тулпорни зарда билан елдирмас.

Ваъда бериб, нега серраясан?
Аввал бажар, сўнгра гердаясан!

Турқига хос сўзи — совуқ, минғир-минғир
Асабларни емирдинг-ку, иши қинғир.

Аслида нафс бандаси,
Соф иймон кушандаси.

Қийнамасин десанг хотирот,
Орттир фақат яхши, деган от.

Ҳалил ҚАЮМОВ.

Шахсий фикр

ИЧКИЛИКБОЗЛИК – ИЛЛАТ

Баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасида қизғин тус олиб бораётган айни вақтда ичкиликбозлик йўл қўйиб бўлмас иллат, деб ўйлайман. У инсон соғлиғига катта зарар етказибгина қолмай, оилаларнинг бузилишига олиб келаётир, бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Безорилик ва ахлоқий бузуқликлар содир бўлаётир.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида халқимиз соғлиғини яхшилашга ғамхўрлик янада кучайиб, аҳоли фаровонлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ичкиликбозликка қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларга олиб борувчи илдизларини йўқ қилишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Қадим замонларда алхимиклар таъми аччиқ, ҳиди ўткир, рангсиз суюқлик ҳосил қилишди. У дилни хушнуд қилувчи хоссага эга бўлганлиги сабабли «Аква-Вита» — «Ҳаёт суви» деб атадилар. Чунки бу суюқлик кўп касалликларга қарши дори-дармон сифатида кенг қўлланила бошлаган эди. Орадан анча вақт ўтгач, уни «Ажал ва кулфат» суви деб атайдиган бўлдилар. Зеро, дори-дармон вазифасини ўтаган «Ҳаёт суви» кейинчалик ичкиликбозлик иллатига айланиб, инсон бошига кўп оғир мусибатлар келтираётган эди.

Бошқа алхимиклар ҳам спирт олишни кашф этишгандан кейин «спирт» сўзи халқ орасида кенг тарқалди. У лотинча сўз бўлиб, нафас олаяпман, деган маънони билдиради. Шунинг учун халқ орасида спиртли ичимликлар соғлиққа фойда, дардни енгиллаштиради, касалликка қарши курашади, деган хато мулоҳазалар юради.

Баъзилар спиртли ичимликларни оз-оздан ичиб турилса, иштаҳани очади, деб ўйлашади. Бу — нотўғри. Тиббиёт илми ва амалиётида бунинг акс натижа бериши аллақачон исботланган.

Ичкиликнинг оғу, бахт ўғриси, жиноят ва кулфатлар манбаи, ризқимиз кушандаси эканлиги ҳақида жуда қадимдан донолар, олиму фозиллар ўз дурдона фикрларини айтиб кетганлар. Буюк аллома Абу Али Ибн Сино ичкиликнинг саломатликка ҳар томонлама зарар эканлигини қайта-қайта таъкидлаган. У ўзининг кўп жилдли «Тиб қонунлари»да: «Ҳар қандай шароб, унинг тури, қолаверса, миқдоридан қатъи назар инсон танасига қайтариб бўлмас зарар келтиради, инсон учун бебаҳо ҳисобланмиш — унинг зурриётини ҳам заҳарловчи омилдир», деб ёзган.

Дарҳақиқат, биз тарихга ва ҳозирги замонга назар солсак, ичкилик ҳеч кимга ҳеч қачон яхшилик келтирмаган. Шундай экан, бу иллатнинг илдизини қуритишда ҳаммамиз фаол бўлишимиз лозим деб ўйлайман.

Камола ҲОЖИЕВА.

«КУЗ НАВОЛАРИ»

Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамда Бастакорлари уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган "Куз наволари" фестивали якунланди.

– "Куз наволари" фестивали бастакорларимизнинг бу йилги ижодининг ўзига хос мусиқий сарҳисоби бўлди, – дейди Ўзбекистон Бастакорлари уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. – Жорий йилда мусиқа санъатининг турли жанр ва йўналишларида икки юздан зиёд асар яратилди. Санъат мухлислари фестиваль кунлари ушбу асарларнинг кўпчилиги билан танишиш имконига эга бўлди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ФРАНЦУЗ КИНОСИ ҲАФТАЛИГИ

Тошкентда француз киноси ҳафталиги очилади. Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва В. Гюго институти ҳамкорлигида ташкил этилган кино ҳафталиги ёш режиссёр Абдель Кешишнинг "Сукунат" фильми намойиши билан бошланди.

Тадбир давомида тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари француз кинематографиясининг таниқли усталари ва ёш режиссёрлари томонидан турли жанрларда яратилган кинофильмлардан баҳраманд бўлишади.

«Туркистон-пресс».

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҒОЛИБ

Бекобод шаҳридаги «Металлург» спорт мажмуасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Владислав Ли ҳамда спорт устаси Радион Кан хотирасига бағишлаб, ёшлар ўртасида самбо бўйича биринчи халқаро турнир ўтказилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, «Ўзметкомбинат» корхонаси, «Алпомиш» кураш клуби ташаббуси билан уюштирилган мусобақаларда 13-15 ёшли 280 нафар самбочилар қаторида қўшни тожикистонлик ва қозоғистонлик спортчилар ҳам иштирок этишди. 11 вазн тоифасида муросасиз кечган баҳсларда ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллашди.



СУРАТДА: *мусобақадан лавҳа.*

Ўртачирчиқ туманидаги Олим Аширов ўйингоҳида ички ишлар ва халқ таълими бўлими, «Маҳалла» ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари ҳамкорлигида ички ишлар бўлими бошлиғи Р. И. Исмоилов соврини учун 15-16 ёшли ўсмир йигит ва қизлар ўртасида футбол мусобақаси бўлиб ўтди.

СУРАТДА: *тақдирлаш маросимидан лавҳа.*
Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Унда тумандаги 3-, 26-, 27-, 15-, 48-, 32- ва 28-умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этишди. Кескин ва муросасиз ўтган баҳсларда 3-умумтаълим мактаби биринчиликни қўлга киритди. 2-ўринни 27-, 3-ўринни 26-умумтаълим мактаблари эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга ҳомийлар томонидан таъсис этилган совғалар тақдим этилди.

Отабек ЭЛТОЕВ.

Буни ҳаёт дейдилар

МЕҲР-ОҚИБАТ – КЎНГИЛНИНГ ИШИ

«Беш кунлик дунё, омонат дунё» деймиз-у, лаҳзаларнинг қадрига етмаймиз, меҳр-оқибат ришталарини омонатгина тутамиз, инсоннинг инсонга ғанимати азизлигини унутамиз.

Мен ҳаётда кузатганларимни эътиборингизга ҳавола қилар эканман, «Меҳр-оқибатли бўлайлик, азизлар» демоқчиман...

ҚАБРИСТОНДАГИ ГИЁҲ ТАЛАШ...

Бир-бирларини тинимсиз ҳақоратлаб кириб келган аёл билан эркакнинг оғизларидан чиқаётган сўзларга инсон юраги дош беролмайди. Маълум бўлишича, иккиси ҳам ўзлари истиқомат қилаётган ҳудуддаги қабристон ичидаги қалин ўсган ўтларни талашиб, жанжаллашишарди.

— Аёл бошингиз билан намунча суқлик қиласиз, ғарам-ғарам пичанларингиз етмайдими, мен бечора 5-6 боғ ўрсам нима қилибди? - жиғибийрони чиқаётган эркакнинг ғазаби чексиз эди.

— Ҳо-о, сиз бечора бўлдингизми? Мендан қизғаниб, ҳатто қабрларнинг устидаги ўтларни ҳам ўриб олдингизку, гуноҳкор.

— Ким гуноҳкор, аслида ўзинг дўзахи бўлдинг-ку, қабрингда ўт ҳам кўкармагур...

Хуллас, иккаласини муросаи мадорага келтириб бўлмади. Улар ярашишмади. Иш шунчаликка бориб етдики, улар судлашишди. Суд эшигидан ҳам жанжаллашиб чиқишарди:

— Қабрингда илонлар изғигур...

— Қабрингда ўтлар кўкармагур...

Беихтиёр сесканиб кетдим, улар бир боғ пичан учун бир-бирларини дуоибад қилишарди. Ваҳоланки, талашаётган пичанлари отаболаларининг қабрларидан нурга интилиб чиққан гиёҳлар...

ГАПНИ КАТТА ГАПИРМА

Дунёда ғанимлашиш, айниқса, кек сақлаш ёмон. Қасд қилган инсон худди қасоскор илон каби захрини тилининг учида сақлаб юради. Шундан бўлса керак, «ёмоннинг йўлида бўлсанг ҳам кўнглида бўлма», дейишади донолар.

Суръат билан Ҳабиб қачондан буён қасдлашиб қолишгани фақат ўзларигагина аён. Арзимаган нарсага йиллар давомида кеклашиб юрган бу маҳалладошларни ҳеч ким муросага келтиролмади. Суръат гўрков эди. Бир куни гапни катта гапириб, совуқ ният қилди:

— Ҳабиб ўлса, қабрини ичиб олиб ковлайман, шундай ковлайманки...

Эшитганлар ҳайратдан ёқа ушлашди. Афсуски, ният кетди, манзилига етди.

Ҳабиб касалманд эди. Бу гапларни эшитиб, пешонасидан совуқ тер чиқди, қасоскор дўстини Худога солди.

— Нонни катта тишласа ҳам гапни катта гапирмасин, — деди бу совуқ хабарни етказиб келганларга.

Ҳабибнинг умри қисқа экан. Нодон банда Суръат эса «менинг айтганим бўлди», деб ўйлади.

Майитнинг қабрини ичиб олиб ковладими, ибодат биланми, бу ёғи ёлғиз гўрковга аён. Ҳар қалай бурчини адо этди.

Эртаси куни қишлоқда дув-дув гап тарқалди:

Суръат ақлдан озибди, уззу кун Ҳабибнинг қабрини зиёрат қилармиш... Эшитганлар ёқа ушлаб, пичирлашди:

— Гапни катта гапирма, ниятингни яхши қил.

ЮЗСИЗ

Муборак Ҳайит кунларида оқибатли фарзандлар дунёдан ўтиб кетган ота-оналари қабрини зиёрат қилиб, руҳларини шод этадилар. Гуллар қўйиб, дуолар билан эслашади. Тирикларнинг марҳумларни бу қадар эъзозлашларида катта ҳикмат бор. Чунки, ҳар бандaнинг борар макони бир.

Ана шундай ўйлар ҳар бир зиёратчининг хаёлидан ўтиши шубҳасиз. Аммо бир қабр кўпдан ўз эгасини кутаётгани рост. Нураб, мунғайиб турган қабр эгасининг ёлғиз ўғли катта амалдор, қасрдек уй-жойлар эгаси. Унинг уйи маҳаллада ҳамманикидан баланд ва чиройли. Отасининг қабри эса, ҳамманикидан хароб.

— Бойваччанинг келишга вақти бўлмабди шекилли.

— Бугун уникида катта зиёфат, улфатларига гап бераяпти.

— Йилда бир отасининг қабрига келолмаган ундай оқибатсиз фарзандга айтадиган гапим бор...

Бу маҳалладошларнинг фикри эди. Чиндан ҳам оқибатсиз ўғил ҳовлисида базму жамшид. Ўзи виқор билан керилиб, ҳамқишлоқларим кўриб қўйсин, деб ичкарига таклиф ҳам қилиб қўярди.

— Нега ҳеч нима дея олмадингиз, — ҳамроҳига юзланди шериги.

— Демоқчи эдим, ўлай агар, юзига қарасам юзи кўринмади...

Аслида ҳам юзсизнинг юзи ўзи курган қасри каби ялтираб, отасининг қабри эса, чўкиб, нураб, мунғайиб турарди...

Анора ЖУМАДУЛЛО қизи.

Тошкент вилоят давлат педагогика институти 2007 йил учун аспирантурага қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

07.00.02 – Ўзбекистон тарихи

10.01.09 – Фольклоршунослик

Аспирантурага 30 ёшгача бўлган, танлаган ихтисослиги бўйича олий маълумотли ёки магистратурани битирганлар қабул қилинади. Аспирантурага кириш учун танловда қатнашишга қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

Ректор номига ариза, ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳол, охирги иш жойидан тавсифнома – тавсиянома, олий маълумот тўғрисидаги мутахассислик ёки магистрлик дипломи нусхаси, илмий ишлар рўйхати ва уларнинг ксеронусхалари, нашрдан чиққан илмий ишлари бўлмаган талабгорлар ихтисослиги бўйича 20-25 бет ҳажмда илмий маъруза (реферат), тиббий маълумотнома (086-У шаклда), 4х6 ҳажмдаги 4 та фотосурат. Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Қўшимча маълумот олиш учун Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг илмий ишлар бўйича проректорига (тел.: 662-61-57) мурожаат этишлари мумкин.

ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги «Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 38-сонли Қарорига асосан:

2006 йил 1 июлдан бошлаб автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя) ва ижарага бериш шартномаларини нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражаси, серия, тартиб рақами ва ҳудудий кодга эга бўлган, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси хизмати органларида нотариал тартибда тасдиқланган бошқа шахсга бериш шартномалари рўйхатдан ўтказилади, ишончномалар ва ижарага бериш шартномалари эса ҳисобга қўйилиши керак. Автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқига олдин берилган ишончномалар мазкур қарорга мувофиқ 2006 йил 31 декабргача нотариал идорада гербли бланкада амал қилишининг қолган муддатига қайта расмийлаштирилиши шарт. Қайта расмийлаштирилган ишончномалар учун давлат божи ундирилмайди. Ишончномалар қайта расмийлаштириш учун тақдим этилмаган тақдирда 2007 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси.

Рассом ҳандаси

Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.

«AKVABAX-BIZNES» МЧЖ устав фонди 33 000 000 сўмдан 1 000 000 сўмга камайтирилади.

Даъволар С. Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/1-даҳаси, 41-уй, 18-хонадонда ёки 396-03-56 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

1993 йил 25 январда Быкова Ольга Михайловна номига берилган 08-02/0626 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1993 йил 25 февралда Наркулов Дусмурат Ташпулатович номига берилган 05-02/7960 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди судьялари малака ҳайъати ихтисослиги бўйича уч йиллик юридик стажга эга бўлган корхона ҳамда ташкилотлар юристларини жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьялари номзодлари заҳирасига таклиф қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй.

Тел.: 363-55-26, 362-78-44.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1340. Адади 3131. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 2 3 4 5 6